

**“АТ “АЛОҚАБАНК” КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
НИЗОН**
(янги таҳрирда)

Тошкент – 2017

I. Умумий қоидалар	3
II. Банк Кенгашининг ваколатлари	3
III. Банк Кенгаши аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари	3
III. Банк Кенгашининг таркиби	4
IV. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини тўхтатиш	5
V. Банк Кенгашининг Раиси	5
VI. Банк Кенгаши мажлисларини чақириш ва ўтказиш тартиби	6
VII. Банк Кенгашининг қўмиталари	7
VIII. Банк Кенгаши аъзоларининг манфаатли низоларини аниқлаш ва олдини олиш	8
IX. Банк Кенгашининг иш самарадорлигини баҳолаш	8
X. Банк Кенгаши аъзоларининг мустақиллигини таъминлаш зарурияти	9
XI. Низомни тасдиқлаш ва ўзгартириш	9

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом АТ «Алоқабанк» (кейинги ўринларда «Банк» деб аталади) Кенгашининг фаолиятини тартибга солади, шу жумладан банк Кенгашининг асосий вазифаларини, унинг фаолияти ташкил этилишини, банк Кенгашининг сайланиши тартиби ва ишлаш тартибини белгилаб беради.

1.2. Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкининг «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида»ги Низоми ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. АТ «Алоқабанк» нинг Кенгаши (кейинги ўринларда «Банк Кенгаши» деб аталади) банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар Умумий йиғилишининг (кейинги ўринларда «Умумий йиғилиш» деб аталади) ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан мустаснодир.

1.4. Банк Кенгаши тўғрисидаги Низом банкнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

II. БАНК КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Банк Кенгашининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва банк Устави билан белгиланади.

2.2. Банк Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар, банк Бошқарувига ҳал этиш учун берилишига йўл қўйилмайди.

III. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банк Кенгаши аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) банк Кенгаши мажлисининг чақирилишини талаб қилиш;
б) банк фаолиятига дахлдор бўлган ҳар қандай ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини талаб қилиш ва банк Кенгашига юклатилган вазифаларни бажариш учун банкнинг ижроия органларидан тўлиқ ва ҳаққоний ахборот ва ҳужжатларни олиш;

в) банк Кенгашининг аъзолари функцияларини амалга ошириши ва уларга юклатилган мажбуриятларни бажарганлиги учун мукофот олиш;

г) қонунчилик, банк Устави ва мазкур Низом билан белгиланган бошқа ҳуқуқларини амалга ошириш.

3.2. Банк Кенгашининг аъзолари қуйидагиларга мажбур:

а) Устав билан белгиланган ваколатлари доирасида ва банкнинг манфаатларида банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш, банкка оқилona раҳбарлик қилишни таъминлаш;

б) банк фаолияти устидан назорат қилиш, шу жумладан омонатчилар ва акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тўғри кредитлаш ва маблағларни инвестиция қилиш устидан назорат қилиш;

в) банк Бошқарувининг сайланишини (тайинлашни) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатишни амалга ошириш, банкнинг департамент директорлари, бошқарма бошлиқлари, амалиёт бошқармаси бошлиғи ва филиал раҳбарлари ҳамда уларнинг бош бухгалтерларини тасдиқлаш;

г) банкнинг адекват капиталлаштирилишини қўллаб-қувватлаш;

д) банк сиёсатини шакллантириш;

е) амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

- ё) банк фаолияти тўғрисидаги олинган ҳужжатлар ва ахборотлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиш;
- ж) қонунчилик, банк Устави ва мазкур Низом билан белгиланган бошқа мажбуриятларини амалга ошириш.

IV. БАНК КЕНГАШИНИНГ ТАРКИБИ

- 4.1. Банк Кенгаши 9 (тўққиз) нафар аъзодан иборат.
- 4.2. Банк Кенгашининг таркибига камида 2 (иккита) банк Кенгашининг мустақил аъзолари (кейинги ўринларда – «мустақил аъзолар») киради.
- 4.3. Қуйидагилар банк Кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин:
- а) сўнги беш йил мобайнида банк, унинг шўъба ва аффилланган корхоналарида ишламаган шахслар;
 - б) банк, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари акциядори бўлмаган шахслар;
 - в) банк, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари билан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг баравари миқдоридан юқори суммага тегишли шартномага эга бўлган йирик миждозлари ёки мол отказиб берувчилари билан боғлиқ бўлмаган шахслар;
 - г) банк, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари билан хизмат кўрсатиш юзасидан шартномага эга бўлмаган шахслар;
 - д) банк, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари раҳбарлари бўлган ёки сўнги беш йил мобайнида шундай лавозимларда ишлаган шахсининг оила аъзоси бўлмаган шахслар;
 - е) банкни назорат қилувчи шахс (ёки банк устидан жамоа тарзида назорат олиб боровчи гуруҳ ва/ёки ташкилот аъзоси) бўлмаган шахслар;
 - ё) банк билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома орқали боғлиқ бўлмаган ва банкнинг соҳаси бўйича юқори турувчи ташкилоти (компания) ёки йирик акциядорининг ходими бўлмаган шахслар.

V. БАНК КЕНГАШИНИНГ САЙЛАНИШИ

- 5.1. Банк Кенгашининг аъзолари қонунчилик ва банкнинг Уставида назарда тутилган тартибда Умумий йиғилиш томонидан 1 (бир) йиллик муддатга сайланади. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар банк Кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.
- 5.2. Банк Бошқарувининг Раиси ва банк Бошқарувининг аъзолари банк Кенгашига сайланиши мумкин эмас. Банкда меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган шахслар банк Кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.
- 5.3. Банк Кенгашининг таркибига сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган қарор билан белгиланади.
- 5.4. Банк Кенгашининг аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони банк Кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли бўлади.
- 5.5. Банк Кенгашига сайланган шахслар чекланмаган маротаба қайта сайланиши мумкин. Банк Кенгашининг сайланган аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш Умумий йиғилишнинг қарорига кўра амалга оширилади.

VI. БАНК КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

6.1. Банк Кенгашининг Раиси банк Кенгашининг аъзолари томонидан унинг таркиби ичидан, банк Кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Банк Кенгаши Раисининг ўринбосари унинг таркиби ичидан банк Кенгаши Раисини сайлаш билан бир вақтда, банк Кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

6.2. Банк Кенгаши банк Кенгаши Раисини банк Кенгаши аъзоларининг умумий сонидан овозларнинг кўпчилиги билан қайта сайлашга ҳақлидир.

6.3. Банк Кенгашининг Раиси:

- а) банк Кенгашининг ишини ташкил этади;
- б) банк Кенгашининг мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;
- в) банк Кенгашининг мажлисларида баённоманинг юритилишини ташкил этади;
- г) Умумий йиғилишни очади;
- д) бошқарув Раиси билан банк номидан меҳнат шартномасини тузади;
- е) банк Уставида ва амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

6.4. Банк Кенгашининг Раиси жойида бўлмаган ҳолларда банк Кенгаши Раисининг ўринбосари амалдаги қонун ҳужжатларида ва банк Уставида белгиланган тартибда унинг вазифаларини бажаради.

6.5. Банк Кенгашининг Раиси банк Кенгашининг ва банк Кенгаши қўмиталарининг самарали ишлашини таъминлайди, шу жумладан банк Кенгашининг аъзоларини уларнинг касбий ва шахсий фазилатларидан келиб чиқиб ва банк Кенгашининг аъзолари банк Кенгашининг қўмиталарини шакллантириш юзасидан берган таклифларини инobatга олиб, банк Кенгашининг қўмиталари таркибига киритади.

6.6. Банк Кенгашининг Раиси банк Кенгаши томонидан қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган максимал тўлиқ ва ҳаққоний маълумотни ўз вақтида олиш мақсадида банк Бошқаруви, банкни бошқарув органари ва мансабдор шахслари билан доимий мулоқот қилиб туради. Банк Кенгашининг Раиси банк Кенгашига қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотнинг банк Кенгашига ўз вақтида тақдим этилиши учун барча керакли чораларни кўради.

VII. БАНК КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИНИ ЧАҚИРИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

7.1. Банк Кенгашининг мажлиси банк Кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига биноан, банк Кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссияси, банк Бошқаруви, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, банк ички аудит хизматининг раҳбари, банкнинг ташқи аудитори ҳамда банк Устави ва амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа шахсларнинг талаби билан чақирилади.

7.2. Банк Кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум банк Кенгашига сайланган аъзолар сонининг камида 75 (етмиш беш) фоизини ташкил этиши лозим.

7.3. Банк Кенгаши аъзоларининг сони Уставда кўзда тутилган миқдорининг 75 (етмиш беш) фоизидан камроқ бўлиб қолган ҳолларда, банк Кенгашнинг янги таркибини сайлаш учун навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириши шарт. Банк Кенгашининг қолган аъзолари фақат навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисидагина қарор қабул қилишга ҳамда банк Бошқарувининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилганда унинг вазифаларини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

7.4. Банк Кенгашининг мажлисида қарорлар банк Кенгашининг мажлисида иштирок этувчи банк Кенгаши аъзоларининг овозлари кўпчилиги билан қабул қилинади, амалдаги қонунчиликка мувофиқ қарорни қабул қилиш учун кўпроқ овозлар сони талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно. Банк Кенгашининг мажлисида масалаларни ҳал этиш чоғида банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

7.5. Банк Кенгашининг бир аъзоси ўз овозини банк Кенгашининг бошқа бир аъзосига топширишига йўл қўйилмайди.

7.6. Банк Кенгашининг қарорларини қабул қилишда овозлар тенг бўлган ҳолда банк Кенгашининг Раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

7.7. Банк Кенгашининг қарорлари банк Кенгашининг барча аъзолари томонидан сиртқи овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) бир овоздан, шунингдек видео-конференц-алоқа режимида қабул қилиниши мумкин. Сиртқи овоз бериш ёки видео-конференц-алоқа режимида овоз бериш банк Кенгаши Раисининг қарорига кўра ўтказилиши мумкин.

7.8. Банк Кенгашининг мажлисида баённома юритилади, у мажлис ўтказилишидан кейин кечи билан 10 (ўн) кун ичида расмийлаштирилиши лозим.

7.9. Банк Кенгаши мажлисининг баённомасини банк Кенгаши томонидан тайинланадиган банк Кенгашининг котиби юритади.

7.10. Банк Кенгашининг мажлиси баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- а) мажлис ўтказилишининг сана, жойи ва вақти;
- б) мажлисда иштирок этувчи шахслар;
- в) мажлиснинг кун тартиби;
- г) овозга қўйилган масалалар, улар юзасидан овоз бериш яқунлари;
- д) қабул қилинган қарорлар.

7.11. Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган банк Кенгашининг аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

7.12. Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган кунда банк Бошқарувига бажариш учун топширилади. Банк Кенгаши томонидан Умумий йиғилишнинг чақирилиши тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолда, ушбу қарор тўғрисидаги маълумот банк Бошқарувига банк Кенгашининг мажлиси ўтказилган кунда топширилади.

VIII. БАНК КЕНГАШИНИНГ ҚЎМИТАЛАРИ

8.1. Банк Кенгаши ўз фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва банк фаолиятга умумий раҳбарликни амалга ошириш юзасидан мажбуриятларни бажариш учун қўмиталарни тузиши лозим. Бундай қўмиталарга қуйидагилар кириши мумкин:

- а) Аудиторлик қўмитаси;
- б) Банк таваккалчиликларни назорат қилиш қўмитаси;

8.2. Қўмиталар банк Кенгашининг аъзоларидан иборат. Қўмиталар банк Кенгашининг ваколатларига киритилган масалаларни дастлабки равишда кўриб чиқади ва банк Кенгашига ўз тавсияларини тақдим этади.

8.3. Банк Кенгаши ўзи ташкил этган ҳар бир қўмита бўйича низомларни тасдиқлайди. Бу низомлар тегишли қўмиталарнинг ишлаш тартибини, ваколатлари ва мажбуриятларини, уларнинг таркибига қўйиладиган талабларни белгилайди.

8.4. Банк Кенгашининг ҳар бир қўмитаси алоҳида мажлисларни ўтказади. Қўмиталарнинг раҳбарлари банк Кенгашини қўмиталарнинг ишлаши ҳақида мунтазам хабардор қилиши ва банк Кенгашининг мажлисларида ҳисобот бериши лозим.

IX. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ МАНФААТЛИ НИЗОЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ

9.1. Банк Кенгаши манфаатли низоларини тартибга солишда асосий ўрин тутди. Банк Кенгашининг мустақил аъзолари манфаатли низоларини тартибга солишда фаол иштирок этади ва банк Кенгашига уларни ҳал этиш юзасидан тавсияларини тақдим этади.

9.2. Банк Кенгашининг аъзолари манфаатли низоларига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлардан ўзини тийиши лозим.

9.3. Банк Кенгашининг аъзосида эҳтимолий манфаатли низоси юзага келганда, шу жумладан банк томонидан тузилишидан манфаатдорлиги мавжуд бўлган битим бўлганда, банк Кенгашининг аъзоси банк Кенгашини бу ҳақда банк Кенгашининг Раисига хабарнома юбориш йўли билан хабардор этиши лозим. Хабарномада манфаатли низосининг мавжудлиги ҳолати ва унинг юзага келишининг асослари ҳақида маълумот бўлиши керак. Манфаатли низоси ҳақида, шу жумладан банк томонидан тузилишидан манфаатдорлиги бўлган битим ҳақида маълумот банк Кенгашининг аъзоларига мажлисда бериладиган материалларга киритилиши лозим.

9.4. Банк Кенгашининг Раиси тегишли манфаатли низо мавжуд бўлган банк Кенгашининг аъзосига, ушбу масала банк Кенгашининг мажлисида муҳокама қилинганда иштирок этмасликни таклиф қилишга ҳақлидир.

9.5. Банк Кенгашининг аъзолари банк Кенгаши томонидан бирор-бир қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатиши учун бевосита ва билвосита мукофот олиш ҳуқуқига эга эмас.

9.6. Банк Кенгашининг аъзолари банкнинг имкониятларидан (мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқлари, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлари, банкнинг фаолияти ва режалари ҳақидаги маълумот) шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланишга ҳақли эмас.

X. БАНК КЕНГАШИНИНГ ИШИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

10.1. Банк Кенгаши банк Кенгашининг, унинг қўмиталари ва банк Кенгаши аъзоларининг иши самарадорлигини баҳолаш ўтказилишини таъминлайди. Баҳолаш ўтказилишининг мақсади банк Кенгашининг, унинг қўмиталари ва банк Кенгаши аъзоларининг иши самарадорлигининг, уларнинг иши банк ривожланишининг эҳтиёжларига мувофиқлигининг, даражасини аниқлаш, банк Кенгашининг ишини фаоллаштириш ва уларнинг фаолияти яхшиланиши мумкин бўлган соҳаларни аниқлаш ҳисобланади.

10.2. Банк Кенгашининг ишини баҳолаш мунтазам асосда, камида йилда бир марта амалга оширилади. Бундай баҳолаш услубиёти (методология) даставвал банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

10.3. Мустақил баҳолаш ўтказилиши учун банк Кенгаши даврий равишда, лекин камида 3 (уч) йилда бир марта ташқи ташкилотни (маслаҳатчини) жалб қилади.

XI. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРИЯТИ

11.1. Банк Кенгаши ўз қарорларини қабул қилишда мустақилдир. Худди шунингдек, банк Кенгашининг аъзолари бирор-бир масалаларни муҳокама қилишда ўз фикрларини мустақил ифодалаш ва асослаш ҳуқуқига эга.

11.2. Банк Кенгашининг ишини ва корпоратив бошқаришни ташкил этиш учун, Бошқарув Раиси банк Бошқаруви ва банк Кенгашининг аъзолари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этади ва амалга оширади.

11.3. Банк Кенгаши аъзоларининг мустақиллигини таъминлаш корпоратив бошқаришнинг асосий элементи ҳисобланади. Бундан ташқари, банк Кенгаши томонидан самарали корпоратив бошқариш талаб этилади. Банк фаолияти устидан назоратни амалга оширишда банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси банк Бошқарувининг фаолиятини баҳолашда ўз мустақил фикрини билдиради.

11.4. Банк Кенгаши томонидан ҳар бир муаммонинг танқидий баҳоланиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Банк Бошқаруви қарорларининг банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси томонидан келишиб олиниши асоссиз бўлади, лекин унинг ўз фикри мавжуд бўлмаганда, банк ва акциядорларнинг манфатлари учун хизмат қилиши учун етарли бўлмайдиган деб баҳоланади.

XII. НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ВА ЎЗГАРТИРИШ

12.1. Мазкур Низом Умумий йиғилиш томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради ва худди шундай тартибда ўзгартирилиши мумкин.

Кенгаш аъзолари:

К. Ирисбекова

Ш. Хаджизадаев

Ш. Кадиров

Р. Мансуров

Б. Тоҳиров

Ш. Атамухамедов

Т. Иминов

Ф. Юлдашев